



## АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОСИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРГАНИЛИШ ТАДРИЖИ

*Ачилова Э.С.*

*ЧДПУ Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** адабий таълим, адабиёт ўқитиш методикаси, адабий таълимни такомиллаштириш технологияси, адабий таълим мазмуни, шакли ва воситалари.

**Ключевые слова:** литературное образование, методика преподавания литературы, технология совершенствования литературного образования, содержание, форма и средства литературного образования.

**Key words:** literary education, methods of teaching literature, technology for improving literary education, content, form and means of literary education.

Мустақиллик йилларининг биринчи декадаси мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари билан бошланган бўлса-да, адабий таълимнинг сустрлашуви жадал давом этганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол синфдан синфга ўтувчи имтиҳонларнинг олиб ташланиши, она тили ва адабиёт дарсларига ажратилган соатларнинг камайтирилиши билан изоҳланади. Адабиёт, унинг ўқитилишига бўлган эътиборнинг камайиши ўзбек халқи, миллатини рус файласуфи В.Непомнящий таъбири билан айтганда, “аҳоли”га айлантирди. Адабиёт ўқитувчисининг эндиги вазифаси янги ижтимоий шароитда тарбия олаётган замонавий ўқувчига унинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда миллий қадриятларимиз – бадий асарларни тушуниш, англаш ва шу асосда ўз ҳаётий позицияларини белгилашларига ёрдам беришдан иборатдир. Ўқувчи китоб ўқиймай қўйган, дея умумий ҳолатга қараб хулоса чиқариш тўғри эмас. Бир синфда турли хил ўқувчилар ўқийди. Баъзилари ёзги таътилдаёқ барча бадий адабиётни ўқиб чиқиб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишни кутадилар, афсуски, баъзилари асар билан юзаки танишиш учун ҳам алоҳида рағбатга муҳтож. Бизнингча, замонавий адабий таълимнинг муаммоли нуқтаси ҳам айнан шу ерда. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов адабиёт ўқитувчисининг биринчи галдаги вазифаси ўқув-



чиларда бадий мутолаага бўлган қизиқишни уйғотишдан иборат, деганда ҳақ эди. Синфдаги барча ўқувчини мутолаа жараёнига жалб қилиш учун адабиёт ўқитишни қандай ташкил этиш масаласи ўқитувчи олдида турган муҳим маммолардан биридир.

Маълумки, адабиёт ўқитиш методикасини мустақил фан сифатида XX аср бошларида таркиб топди. Фанга доир назарий қарашлар рус адабиёт ўқитиш методикаси асосчилари Ф.И.Буслаев, В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбов, В.Я.Стоюнин, В.П.Острогорский, М.А.Рибникова, В.В.Голубков қарашлари асосида юзага келди.

Ф.И.Буслаевнинг “Ватан тилини ўқитиш ҳақида” номли рисоласи умумий адабиёт ўқитишнинг назарий асосини ташкил этади. Методист олимнинг қарашларида ўқитиш методида индукциянинг зарурлиги, дастлаб конкрет материални ўрганишни, сўнгра назарий умумлаштиришни тавсия қилиши билан замонавий адабиёт методикасида муҳим аҳамиятга эга.

Ўз қарашларида адабиётнинг ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини тўғри ёритиб берган, рус адабиётшунослиги, адабиёт ўқитиш методикаси, адабий танқид соҳаларида дадил тадқиқотлар олиб борган В.Г.Белинскийнинг қарашлари, шубҳасиз, адабиёт ўқитишда ҳозирги кунга қадар янгича ёндашувларнинг пайдо бўлишига турки бўлмоқда.

В.Г.Белинскийнинг адабиёт ўқитишга доир энг муҳим қарашлари унинг бадий асар шакли ва мазмуни бирлигини сақлаган ҳолда таҳлил этиш, шу орқали асарга тўғри баҳо бериш мумкинлиги ҳақидаги фикрларидир. Танқидчи олим бадий асарларнинг тарбиявий аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш баробарида бадий асар таҳлили усуллари ишлаб чиққан.

Замонавий адабиёт методикасига В.Я.Стоюниннинг амалга оширган тадқиқотлари ҳам мустаҳкам замин вазифасини ўтайди. Методист олимнинг “Рус адабиётини ўқитиш ҳақида” номли китобида фақат табиат ва инсонга тегишли бўлган ҳақиқий билимни ўқувчига етказиш; уларнинг “тафаккур кўникмалари ва яхши муҳокамаларини”, инсонпаварлик, “муҳаббат ва ҳақиқатга интилиш”, ватанга муҳаббат, эстетик туйғуларини ўстириш; меҳнат малакасига одатлантириш каби адабиёт ўқитишнинг вазифаларини санаб ўтилганлиги замонавий методиканинг асосий вазифалари билан уйғунлик касб этган.

Адабиёт ўқитиш методикасида амалга оширилган муҳим ишлар қаторида В.П.Острогорскийнинг фикрлари ҳам ўз қимматига эга эканлигини таъкидлаш жоиз. В.П.Острогорский тадқиқотларида ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиясида поэтик образларнинг руҳий кечинмаларини таҳлилга тортиш зарурлиги ҳақидаги қарашни илгари суради.



Мактабда адабиётдан машғулотларни тизимлаштиришнинг асосий дидактик қоидаларини ишлаб чиққан методист олимлар М.А.Рибникова ва В.В.Голубковлар ўқитиш методини ҳозирги замонавий ўқитиш талабларига хос психологик қонун билан асослашга ҳаракат қилишади. М.А.Рибникова ўзининг “Очерки по методике литературного чтения” китобида ўқитувчи маҳоратини мураккаб фикрни содда қилиб, янги нарсани ўқувчига танишдек тушунтириб беришда дея эътироф этган. Бу фикрлар янгича ёндашувни талаб этаётган замонавий методикага тегишли эканлиги билан аҳамиятли.

В.В.Голубковнинг ишларида бадиий адабиёт – борлиқни билишнинг кучли қуроли эканлиги айтилади. Бу икки олим ҳам таълимда мавжуд ҳаммабоп методлардан воз кечиш, ўқитувчининг дарси мураккаб педагогик ва ижодий жараён сифатида талқин қилиниши кераклигини айтиб ўтишган. Уларнинг фикрига кўра адабиёт дарслари ўқитувчидан машғулотга ижодий жараён сифатида қараш, ўқувчиларда бадиий дид ва савияни кўтариш, ҳаётнинг бадиий инъикоси бўлган асарларни ўқитишда муайян қолипга тушган ёндашув ва методлар атрофида ўралашиб қолмаслик талаб қилинади.

Умуман олганда, рус олимлари томонидан асос солинган адабиёт ўқитиш методикаси борасидаги фундаментал қарашлар ўзбек адабиётини ўқитиш методикасининг шаклланиши ва ривожланишида андоза вазифасини ўтайди.

Ўзбек адабиётини ўқитиш масалаларини тадқиқ этиш русларникига қараганда бирмунча кеч шаклланди.

Ўзбек адабиётини ўқитиш муаммолари юзасидан Миллий уйғониш даври намоёндалари бўлмиш Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдурахмон Саъдий кабиларнинг “Адабиёт қоидалари”, “Адабиёт парчалари”, “Гўзал ёзғичлар”, “Амалий ва назарий адабиёт дарслари”, “Тил саботлиги” каби асарларида ўша давр методикасининг етакчи тенденцияларини ўз аксини топган.

Миллий уйғониш даври адабиёт ўқитиш методикасида Абдулла Авлоний томонидан тузилган “Адабиёт” I ва II жузларида ўқувчиларни аруз вазидаги шеърлар ва уларни ифодали ўқиш техникаси билан таништириш кўзда тутилган, бу ўз навбатида мумтоз адабиётни англаш йўлидаги биринчи қадам ҳисобланади. Бу биринчи қадамни қўйиш масалалари замонавий методиканинг ҳам долзарб муаммолари қаториги киради. Авлоний тартиб берган “Мактаб ва Гулистон” дарслигида ифодали ўқишнинг якка ва кўпчилик бўлиб ўқиш, ифодали ўқиш, диалог, драма ҳолига келтириб ўқиш турларини ажратиб кўрсатдики, буни ўз навбатида методика соҳасида амалга оширилган илк тадқиқот сифатида талқин қилиш мумкин.



Замонавий методика муаммоларига ечим вазифасини ўташи мумкин бўлган тадқиқотлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан олиб борилган изланишлардир. Методист сифатида Ҳамза ифодали ўқиш, матн устида мустақил ишлаш, синфдан ташқари ўқишни ташкил этиш усулларни ёритди. Қисқа давр фаолият юритган “Усули савтия” мактабларида адабиёт дарслари “изоҳли ўқув” методи асосида ташкил этилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

1918 йилда ташкил этилган “Мақотиб” методик бирлашма сифатида фаолият юритган уюшмада ҳам замонавий методикага алоқадор бир қанча масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилинди. Жумладан, дарсда адабиёт қонунларини ёритишга, ёзувчи ижодини аниқ тарихий шароит билан боғлиқ ҳолда, унинг асарларини шакл ва мазмун бирлиги асосида ўрганиш йўлга қўйилдики, бу методик ёндашув ҳозиргача ўз “оҳори”ни тўкмаган.

Илк методик қарашлари билан ўзбек адабиётини ўқитиш методикасига Абдурахмон Саъдий муносиб ҳисса қўшган. Амалга оширилган асосий ишлар қаторига 1922 йилда А.Саъдий томонидан тузилган ўқув юртлари учун тузилган она тили ва адабиёт дастурини киритиш мумкин. Дастур ўзида ўзбек адабиётни даврлаштиришнинг илк намунасини акс эттириши билан қадри.

А.Саъдий ҳозирги замон ўзбек адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммоларидан бўлган мумтоз адабиёт намуналари, хусусан, лирикани ўқиш ва тушуниш усулларини ёритиб берган. Олимнинг баён этган ўқитиш методлари ҳозирги кунга қадар ифодали ўқиш дарсларида қўлланиши мумкинлиги билан аҳамиятга молик.

А.Саъдий ўзининг “Амалий ва назарий адабиёт дарслари” китобида ёзувчилар ижодига муносабат билдириш билан бирга адабий оқимлар ҳақида ҳам тушунча бериб кетиши ўз даврида адабиёт ўқитиш методикасида янги ҳодиса сифатида эътироф этилган.

Бадий асарнинг лингвопоэтик таҳлили номли таҳлил тури А.Саъдий томонидан “Адабий-бадий усталик техникаси” дея юритилиб, унда адабиёт дарсларида асар тилини ўрганиш кўзда тутилган.

1930-40-йилларда ҳам адабиёт методикасида янгича ёндашувлар кузатилди. Хусусан, Иззат Султоновнинг “Адабиёт назарияси” дарслигида бугуни кун методикасида ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган дидактик материаллар – савол ва топшириқлар устида ишлаш билан боғлиқ масалалар тизимлаштирилди.

1970-80-йиллар адабиёт ўқитиш методикасида муҳим ёндашув – адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш методикаси, яъни инте-



грацион методика йўналиши майдонга келди. Бу соҳада илк тадқиқотлар А.Зуннунов, А.Алиевларга тегишли.

2000-йиллардан бошлаб адабиёт ўқитиш билан боғлиқ методик ишлар янги босқичга кўтарилди. Боқижон Тўхлиев томонидан яратилган “Адабиёт ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси бунинг ёрқин далилидир. Мазкур қўлланмада шу давргача яратилган жамики методик қарашларнинг жамланмаси ўз аксини топган. Қўлланмада адабий асарни жанрий хусусиятларига кўра ўрганиш масалалари батафсил ёритилган.

Мантқий тафаккурга асосланган фаолиятни ташкил этиш масалалари дастлаб антик даврга доир адабий ҳамда илмий манбаларда келтирилган. Бу фаолият тури файласуфлардан ташқари бошқа соҳа вакилларининг ҳам тадқиқот объектига айланган. Адабиёт таълимида мустақил фикрлаш, унинг ўқитишда тутган ўрни тилга олинган “Адабиёт ўқитиш методикаси” дарслигида атрофлича баён этилган. Жумладан, адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда дарс шаклини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бунда ўқув материалининг мазмуни, ҳажми, дарсинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва қийинлик даражасини белгилаш; материалнинг ўқувчи ҳаётий тажрибаси, илгари ўзлаштирган билими ва ақлий-амалий фаолияти билан алоқасини ўрнатиш; ўқувчининг мустақил ишлари ва ўқув топшириқлари тизимини аниқлаш; дарсинг жиҳозларини, ахборотларнинг асосий ва қўшимча манбаларини ўрнатиш муҳим эканлиги далиллаб берилган.

Умуман, адабиёт ўқитиш методикаси фан сифатида ўзи тараққиёт тадрижига эга.

#### Адабиётлар:

1. Адабиёт ўқитиш методикаси. /С.Долимов, Ҳ.Убайдуллаев, Қ. Аҳмедов/ - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967.
2. М.А.Рибникова “Очерки по методике литературного чтения”.-М.:1963.
3. Адабиёт ўқитиш методикаси. /А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Иброҳимов/ - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992.- 37-бет.
4. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o'qitish metodikasi. Darslik. –Т.: 2018 й.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада адабий таълимни такомиллаштириш муаммосининг рус ва ўзбек педагогикасида ўрганлиши ва унинг тадрижий тараққиёти ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается исследование проблемы совершенствования литературного образования в русской и узбекской педагогике и ее поэтапное развитие.

#### SUMMARY

This article describes a study of the problem of improving literary education in Russian and Uzbek pedagogy and its phased development.